

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
раисини лавозимидан озод этиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимидан озод этилсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Козимджан Фазилович **Камилов** судьялик лавозимидан бўлишининг муддатсиз даврига, беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимига сайлансин, шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг раиси лавозимидан озод этилсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг
ўринбосарларини лавозимидан озод этиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Файзулла Абдуллаевич **Абдуазимов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.
2. Кучкар **Тоғаев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.
3. Раҳимжон Обидович **Обидов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — ҳарбий ҳайъат раиси лавозимидан озод этилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг
ўринбосарларини сайлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Холмўмин Буврабоевич **Ёдгоров** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимига сайлансин, шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимидан озод этилсин.
2. Баходир Акбаралиевич **Дехқанов** беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимига сайлансин, шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.
3. Бахтиёр Турсинматович **Исаков** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимига сайлансин, шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилсин.
4. Ушбу қарор 2017 йилнинг 1 июнидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига
ўзгартиш киритиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахтиёр Насуллоевич **Сайфуллаев** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси лавозимига сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 май

ПАРЛАМЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚДИ

Соғлиқни сақлаш давлатимиз раҳбари катта эътибор бераётганлиги туфайли бугунги кунда узлуксиз ривожланиб бораётган соҳадир. Ишларнинг ҳақиқий аҳволини чуқур билишга асосланган ташаббуслар тиббиёт муассасалари фаолиятидаги тизимли камчиликларнинг сабаблари ва асосларини изчил бартараф этишга хизмат қилади. Парламент назорати доирасида ушбу жараёнларда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси бевосита иштирок этмоқда. Парламент кўйи палатасида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, ушбу соҳадаги амалиётда қонун ҳужжатларининг самарали қўлланилишига қўмаклашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун махсус ташкил этилган республика комиссияси иш олиб бормоқда.

Парламент назоратининг шакллари билан бири сифатида депутатлар томонидан тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётидан фаол фойдаланилмоқда.

Чунончи, 2017 йил 29 май кунин республика тиббиёт марказлари раҳбарларининг ахборотларини эшитишга доир ана шундай олтинчи эшитув ташкил этилди. Бу сафар Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида ахборот тақдим этдилар.

Мажлисида шу нарса алоҳида таъкидландики, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ушбу республика тиббиёт марказларининг мутахассислари томонидан инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири — малакали тиббий хизмат кўрсатилишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Масалан, Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ҳар йили 5 минг нафардан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатилмоқда. Марказнинг консултатив поликлиникасида эса 2016

йилда 18 минг нафарга яқин беморга консултатив ва амбулатор ёрдами кўрсатилди.

Бунда минтақа даражасида ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда жойларга 86 марта чиқиш ташкил этилиб, улар доирасида 2,4 минг нафардан зиёд беморга тиббий ёрдам кўрсатилди ва маслаҳат берилди. Марказ мутахассислари томонидан 53 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди, шундан 48 таси юқори технологиялар асосида бажарилди. Касалларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш қамровини кенгайтириш мақсадида марказ мутахассислари томонидан малака ошириш бўйича тренинглар ва лекция машғулотлари ўтказилди, уларда ушбу соҳанинг 1,7 минг нафарга яқин мутахассиси иштирок этди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам замонавий тиббий технологиялардан фаол фойдаланилмоқда. Ушбу марказда ҳар йили 10 минг нафардан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатилмоқда. Марказнинг консултатив поликлиникасида 58 минг нафардан зиёд беморга консултатив ва амбулатор ёрдами кўрсатилди.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

МУРОЖААТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали механизми ҳаётга татбиқ этилаётгани одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиш ва ҳал этиш, фуқароларнинг кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, адолатга, давлатга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ билан бевосита мулоқоти турли муаммоларнинг жойида ечимини топишда юксак самаралар бермоқда. Бунинг ўзидан Президентимизнинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати вакиллари Андихон вилоятида ўтказган сайёҳ қабуллар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Избоскан, Жалақудук, Бўз ва Булоқбоши туманларида ўтказилган сайёҳ қабулларда қатор соҳалар бўйича вазир ўринбосарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, туманлар ҳокимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Қабулларда мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаронинг фикрини тингланиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳокимлар, масалалар дахлдор вазирлик, бошқарма, ташкилот ва корхона раҳбарлари иштироки-

да зарур чоралар кўрилди. Ижтимоий-иқтисодий, саломатликни тиклаш, нафақа, ер ажратиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ аксарият масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилди, мурожаат қилувчи фуқароннинг талаби қондирилди. Атрофича ўрганишни тақозо этадиган мурожаатларни ҳал этиш бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар, мурожаат қилувчига зарур тушунча ва тавсиялар берилди.

Тикувчилик ҳунарим бор, лекин ишсизман, оиламиз уй-жойга муҳтож, — дейди Асака туманида яшовчи уй бекаси Мукаддамхон Умарова. — Ишга жойлашиш ва уй-жой қуриш учун ер ажратилишини сўраб, мурожаат қилган эдим. Бугунги сайёҳ қабулда иш масаласи ҳал бўлди, менга тикув машинаси ва материал берилди. Энди уйимда тикувчилик билан шуғулланиб, даромад топадиган бўладим.

— Мен бир неча йил олдин «Олтинқўлпилла» корхонасидан нафақага чиққанман, — дейди меҳнат фахрийси Давлатбек Каримов. — Лекин ўша пайтда корхонада маблағ етарли бўлмагани учун 7 миллион сўм иш ҳақимни ололмагандим. Сайёҳ қабулга ушбу масала

бўйича ёрдам сўраб келдим. Очиғи, ололмаган иш ҳақимдан уйимимни узиб бўлгандим, лекин Президентимизга раҳмат, бугунги қабулда мурожаатим ижобий ҳал этилиб, қолиб қетган иш ҳақим ҳаммаси тўла берилдиган бўлди.

Сайёҳ қабулларда уй-жой, коммунал хизмат, ижтимоий муҳофаза, тиббиёт, таълим, ҳуқуқ-тартибот, банк идоралари фаолияти ва бошқа ижтимоий-иқтисодий, маиший масалалардаги 500 га яқин мурожаат кўриб чиқилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Мурожаатларнинг аксарияти ўз жойида ҳал этилди. Қолган мурожаатлар ўрганиб чиқиш учун масалага дахлдор ташкилотларга тақдим этилди.

Қабуллар давомида ногирон, кам таъминланган оилалар вакили бўлган 60 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилди.

— Халқ дарди, қувончу ташвишига шерик бўлаётган, одамларнинг оғирини енгил қилиш йўлида эзгу ишларни амалга ошираётган давлатимиздан миннатдоримиз, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши тумани бўлими қошидаги «Фахрий аёллар билан ишлаш» жамоатчилик гуруҳи раиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Раъно Жуманова. — Бундай алоҳида эътибор ва ғамхўрлик одамларнинг адолатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Иқтисодий ислохотлар ЧИРОҚЧИНИНГ ПИЛЛАСИ бу йил мўл ва сифатли бўлди

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида йилнинг илк ҳосили — пилла терила бошланди.

— Мен узоқ йиллар ҳўжаликларга раҳбар бўлганман, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ҳасан Раҳматов. — Лекин ўша даврларда ипак курти боқадиганларга эътибор йўқ эди. Бугун мазкур тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш учун бир қатор хайрли ишлар бошланди. Бундан руҳланган пиллакорларимиз масъулиятни ҳис қилган ҳолда, соҳа ривожини йўлида чин дилдан меҳнат қилишмоқда. Мени ўзим ҳам бу йил оила аъзоларим билан бир қуту қурт парвариш қилдим. Насиб этса даромадимиз яхши бўлади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, Чироқчининг Уй-мовут, Қирғиз, Олмазор, Лангар, Тарағай фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқларда тахрибали пиллакорлар томонидан мўл-қўл ҳосил этиштирилган.

Шу йилнинг февраль ойида Қашқадарё вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар Чироқчи туманида бўлиб, одамларнинг дардини эшитиб, ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, ҳақиқий аҳволини халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама этган эди.

Ушбу йилги пиллачилик соҳасида ечимини қутаётган масалалар ҳам ўртага ташланганди. Жумладан, тахрибали пиллакорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, тизимни ислох қилиш, тармоқда банд бўлган одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш кабилардир.

— Бугунги одамлар ишига яраша ҳақ олишни, меҳнати қадрланишини истайди, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси — ҳоким ўринбосари, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Дурдона Акбарова. — Президентимизнинг «Ўзбекистонда янги ҳокимият фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди. Аввало, пиллакорнинг 40 кунлик меҳнати бир йиллик меҳнат стажига тенглаштирилди. Ундан ташқари, пилланинг ҳарид нархи ҳам анча ошди. Биз барча пиллакорларга зарур ашёларни ўз вақтида тарқатиш билан биргаликда уларнинг меҳнатини рағбатлантириш чораларини ҳам кўрдик. Бу йил 2 минг 132 пиллакорга Хитойдан келтирилган қурт уруги тарқатилди. Мана, дастлабки ҳосил давлат омборига туша бошлади.

— Беш нафар фарзандим бор, — дейди пиллакор Дилдора Жўраева. — Ҳаммаси ипак курти парваришини яхши ўрганишган. Давлатимиз раҳбарига раҳмат, пиллакорнинг меҳнати муносиб тақдирланадиган бўлди. Ҳақимизни ҳам ўз вақтида беришмоқда. Бу йил бир қуту қурт боқандик, режадаги 60 кило ўрнига 85 кило пилла топширдик.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сил касаллиги инфекциясининг ижтимоий хавфини ҳисобга олган ҳолда тегишли препаратлар билан таъминлаш тизимини яхшилаш талаб этилади.



ХАР БИР ХУЖЖАТ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ИЖРО ЭТИЛИШИ ШАРТ

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой мамлакатларига ташрифлари давомида ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган олий даражадаги учрашувлари якунлари бўйича имзоланган битимлар, шартномалар ва муайян соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон расмий делегациясининг Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитойга жорий йилдаги ташрифлари 2016 йилги Президент сайловидан кейинги илк хорижий сафарлар бўлиб, уларнинг натижалари стратегик шериклар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қайд этиш керак, ҳар бир ташриф якунида битим ва шартномалар қарамай, айрим раҳбар ходимлар имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлашга эскича ёндашаётгани, иқтисодий ҳаётимизда устувор аҳамият касб этадиган, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини берадиган бу масалага етарлича масъулият билан қараётганини чуқур таҳлил асосида, аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур давлатлар раҳбарлари билан музокаралар чоғида ҳар бир лойиҳани алоҳида муҳокама қилиб, тўла амалга оширишга оид масалалар, жумладан, молиялаштириш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашди. Лойиҳаларнинг «йўл хариталари» тасдиқланиб, уларнинг босқичлари, ижро механизмлари ва масъул шахслар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада муҳим келишувларга эришилганига қарамай, айрим раҳбар ходимлар имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлашга эскича ёндашаётгани, иқтисодий ҳаётимизда устувор аҳамият касб этадиган, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини берадиган бу масалага етарлича масъулият билан қараётганини чуқур таҳлил асосида, аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берди.

Барча зарур ҳужжатлар қабул қилингани, янги тузилмалар ташкил этилгани, экспортни ва сармоядорлар учун ҳар томонлама қўлайлик ва имтиёзлар берилгани, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги халқаро иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик субъектларининг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилганига қарамасдан, ҳозирча аниқ натижалар кўзга ташланмаяпти, ижро муддатлари ортага сурилмоқда.

Бунинг сабабларидан бири ишончли хорижий шерик ва молия манбалари мавжуд бўлмаган ҳолда самарасиз лойиҳалар тайёрлаш, амалда фойда бермайдиган ҳужжатлар имзолаш ҳолатлари билан боғлиқдир. Бундай лойиҳаларнинг мониторингини юритиш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти. Иқтисодиётимизга хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги аҳвол қониқарли эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалада камчилик ва қолоқликка йўл қўётган ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ҳақ берди.

Хусусан, Туркменистонга ташриф асосида қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, автомобиллар, қурилиш материаллари, маиший техника ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 151 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзоланган эди. Ўтган уч ой давомида экспорт ҳажми 12 миллион долларни ташкил этди. Бу умумий келишилган миқдорнинг 8 фоизи, холос.

Қозоғистон, Россия ва Хитойга ташрифлар ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган музокараларда ҳам бир неча миллиард долларлик йирик келишувларга эришилди. Лекин уларнинг ижросига оид натижалар қутилгандек эмас.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳисобот берган мутасадди раҳбарлар ўз масъулиятини кескин ошириши зарурлигини, бажарилмаётган ва кечикаётган лойиҳа ва шартномалар учун улар шахсан жавобгар эканини алоҳида таъкидлади. Ҳар бир лойиҳанинг бажарилиши бўйича биринчи галдаги чора-тадбирларни аниқ-равшан белгилаш, молиялаштириш ва ижро жараёнлари бўйича замонавий ва тизимли асосда мониторинг олиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Шериклик тўғрисидаги ҳужжатнинг имзоланиши аввало унинг ижроси билан муҳимдир. Давлатимиз раҳбари фақат қоғозда акс этадиган, амалда ҳеч қандай фойда бермайдиган лойиҳалар тузишдек эскича амалиётдан бутунлай воз кечиш, бундай одат ва кайфият билан ишлашга мутлақо чек қўйиш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Эришилган барча келишувларнинг молиявий манбалари, ижро механизмлари, логистикаси, масъул идоралар ва шахслар ҳамда бошқа масалалар тўлиқ ҳал қилинган бўлиши, иш пухта ва қатъий амалга оширилиши керак.

Президентимиз тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига чет давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасида мақсадли инвестицион стратегия ҳамда қабул қилинган келишувлар ижросини таъминлаш бўйича Низом ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Ушбу тизимни такомиллаштириш мақсадида масъул ижрочиларнинг ҳар ҳафтада бир марта Вазирлар Маҳкамасида ва ҳар ойда бир марта Президент ҳузурида хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган жорий ва ишлаб чиқишли кўзда тутилаётган янги инвестицион лойиҳалар юзасидан ҳисобот бериш тартиби ўрнатилди.

Лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши, мутасаддиларнинг ижро интизоми, масъул шахсларнинг мавжуд имкониятлардан умумли фойдаланишини назорат қилиш Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура зиммасига юкланди.

Йиғилишда дабдабали рақамлар ва баландпарвоз ҳисоботлар ортидан қувиш эмас, янгича самарали усул ва механизмларни татиқ этиш, аҳолини қисқа муддатда синчиклаб ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ШУНИНГДЕК, ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технология қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб аталади) етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўққизинчидан, қонунийлики ва ижро интизоми мустаҳкамлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги давомида содир этган ҳуқуқбузарликлар учун «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚнинг 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Электр ва газ таъминоти соҳасида ечимини қутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўрилмаганлиги иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, ёқилғи-энергетика комплексини модернизациялаш ҳамда технология қайта жиҳозлаш, инвестициявий жозибдорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашга тўққизинчи қилувчи омил ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизоми мустаҳкамлаш, жавобгарликни қучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ташкил этилиши;
2. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги қамайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш;

энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

туғатилаётган Суд департаментининг Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда

коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийлики таъминлашга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўққизинчидан, қонунийлики ва ижро интизоми мустаҳкамлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги давомида содир этган ҳуқуқбузарликлар учун «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АҚнинг 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Электр ва газ таъминоти соҳасида ечимини қутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўрилмаганлиги иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, ёқилғи-энергетика комплексини модернизациялаш ҳамда технология қайта жиҳозлаш, инвестициявий жозибдорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашга тўққизинчи қилувчи омил ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизоми мустаҳкамлаш, жавобгарликни қучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ташкил этилиши;
2. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги қамайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш;

энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

туғатилаётган Суд департаментининг Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда

тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилиги томонидан амалга оширилади;

Бюронинг давлат ижрочилиги лавозимларига олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга, айрим ҳолларда бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга шахслар, Бюронинг бошқа лавозимларига — олий ёки ўрта махсус маълумотли бошқа мутахассисликка (иқтисодчи, молиячи, муҳандислар ва бошқалар) эга шахслар ҳам тайинланади;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари Бюрога мазкур Фармонга мувофиқ юклатилган вазифа ҳамда функцияларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашишга мажбурдирлар.

4. Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, ҳужалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишлар ўтказиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорлиқни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг (кейинги ўринларда истеъмолчи — юридик шахслар деб аталади) банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорлиқни ходим — истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурслари истеъмоли, тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш;

жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари учун қарздорлиқни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга белгиланган тартибда молиявий санкция қўллаш;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдирномалар киритиш;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни электр ҳамда газ тармоқларидан узиш;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Сенат ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

ШАРҲ

Мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этишининг таъсирчан механизмларини яратиш — юртимизда амалга оширилаётган, энг аввало, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган кенг қуламли ислохотларнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳаҷмини ошириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ ҳамда узлуксиз таъминлаш, технологик жиҳатдан ва маънавий эскирган инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича амалий чораларни кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йиллар давомида паст қўланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури доирасида 2,5 миллион нафардан ортиқ истеъмолчиларнинг энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 34 минг километр электр тармоқлари ҳамда 6,9 минг дона трансформаторларни модернизация қилиш бўйича 835,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада юзага келган аҳвол ва қонунийлик ҳолатининг таҳлили ўз ечимини кутаётган жиддий муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигига қарамаздан, мутасадди идоралар томонидан уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари фаолиятини ташкил этишдаги хато ҳамда камчиликлар, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва дебитор қарздорликни камайтириш билан боғлиқ муаммолар энергия таъминоти соҳасини янада ривожлантириш борасида белгиланган мақсад ва вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга тўққинлик қилмоқда.

Шартнома мажбуриятларини бажармаётган истеъмолчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмаётгани, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишларининг оқсаетгани дебитор қарздорликнинг кескин ортиши, талон-торожликлар ва истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловлардан бўйин товлаш ҳолатларига олиб келмоқда.

Масалан, 2016 йилда электр ва газ тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиш, ҳисобга олиш асбобларига шикаст етказиш ва уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш каби ҳуқуқбузарликлар 2014 йилга нисбатан 48 фоизга ошган.

Шунга қарамаздан, масъул идоралар томонидан бундай ҳолатларга нисбатан тегишли муносабат билдирилмаган.

Соҳа инфратузилмасини техник жиҳатдан, шу жумладан, илғор хорижий тажриба ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда янгилаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг бажарилмагани технологик йўқотишларнинг тобора ортишига, энергия ресурсларини етказишда сурункали узилишларга сабаб бўлиб, оқибатда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга тўққинлик қилмоқда.

Электр ва газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун қулай шартлоилар яратилмаган, замонавий электрон тўлов тизимлари етарли даражада жорий этилмаган, хизмат кўрсатиш маданияти бутунгун кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига электр ва газ таъминоти масалалари бўйича келиб тушган 43 мингдан ортиқ шикоятлар ҳам бундан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб юритилади) фаолиятини ташкил этишда юзага келган жиддий камчиликлар фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳамда электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу тизимда иш ҳажмининг сезиларли даражада ортгани, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдаги сусткашликлар ундирувларнинг пасайишига ҳамда ижро иши юритишни асоссиз тўхтатиш ва тамомлашга олиб келмоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг амалдаги ижроси 2016 йилда амалда атиги 45 фоизга бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган соҳаларда суиистеъмолчилик ҳолатларига чек қўйилмаган. Оқибатда 2016 йил ва 2017 йилнинг биринчи чорағида «Ўзбекэнерго» ҳамда «Ўзтрансгаз» компаниялари тизимидаги 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар, хато ва камчиликлар энергия ресурслари учун тўловларни ундириш ҳамда ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Баён этилганларга асосан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Фармонда электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизими, назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, ижро иши юритишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, мазкур Фармон билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улашиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда Мажбурий ижро бюросига қуйидаги вазифалар берилди:

- энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолчини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, улар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;
- етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш;
- етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида иш берувчиларга талабномалар юбориш;
- энергия ресурсларини етказиб бериш ва фойдаланиш соҳасидаги қондаларни бузганлик учун юридик шахсларга белгиланган тартибда молиявий жарима қўллаш;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолларда, истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиш;
- энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

2. Суд департаменти тугатилди, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компанияларининг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича электромонтёр ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича назоратчи штат бирликлари қисқартирилди.

Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиларига — суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини, давлат инспекторларига эса — етказиб берилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни амалга ошириш юклатилади.

«Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компанияларида тузилган шартномаларга асосан истеъмолчиларни энергия ресурслари билан таъминлаш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш вазифа ҳамда функциялари сақланиб қолмоқда.

3. Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, энергия ресурслари учун қарздорлик мавжуд бўлганда истеъмолчиларни тармоқдан узиш тартиби аниқлаштирилди. Унга мувофиқ, 2017 йил 1 июлдан бошлаб истеъмолчи — жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга энергия ресурслари олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида етказиб берилади.

Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, истеъмолчилар тармоқдан мажбурий узилади, бунда қайта улаш учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари, юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорда тўлов ундирилади.

Бундан ташқари, Фармонда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишнинг ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни берадиган ва электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилинган Уй-жой коммунал, электр ва газ таъминоти хизматлари кўрсатишнинг ягона биллинг тизими ташкил этилади.

Мазкур тизим истеъмолчиларга қарздорлик мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда олиш ҳамда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, Қарздорликни ундириш масалалари бўйича идоралардан электрон ҳамкорлиқнинг ягона тизими ҳам яратилади. Ушбу тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳолати ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш самарадорлигини оширади.

Фармон ижроси доирасида манфаддор вазирлик ва идоралар томонидан энергия ресурслари истеъмолчилари хатловдан ўтказилади. Бунда қадастр ҳамда лойиха ҳужжатлари, шартномалар, тармоқларга улашиш схемалари, ҳисобга олиш асбоблари ва уларнинг созлиги ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилади.

Жамиятда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш муҳитини ҳамда энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан, Бош прокуратурага энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муҳаррарлиги принциpigа сўзсиз риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши — электр энергетика ва газ тармоқларини модернизация қилишга, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашга, мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга, суд қарорлари ижросининг самарадорлигини, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга ҳамда жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори билан тасдиқланган, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури доирасида кейинги йилларда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳасида энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маиший ускуналарни ишлаб чиқариш энергетик менежменти ва энергетик маркировкалаш стандартлари жорий этилди. Қўчаларни ёритиш тизимида энергия истеъмоли бўйича самарали технологияларни ҳамда уй-жой ва ижтимоий бинолар учун энергияни тежайдиган лампаларни жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда, республика ҳудудида қуввати 40 Втдан юқори бўлган чўланма лампаларни сотиш тўхтатилди.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларида энергия сигими юқори бўлган иситиш қозонларини энергия тежамкорларига алмаштирилмоқда. Энергетика тармоғида замонавий газ ва буғ турбинали қурилмаларни жорий қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирларига доир қабул қилинган Дастур доирасида 42 та янги гидроэлектростанция қуриш ва ишлаб турган 32 та гидроэлектростанцияни модернизация қилиш ҳисобига 2025 йилга қадар республикамизнинг экологик тоза гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватларини 1,7 баробарга ошириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамаздан, миллий иқтисодиётнинг энергия сигими юқорилигича қолмоқда, қайта тикланувчи манбаларни sanoat ишлаб чиқаришига жалб этиш ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш даражаси ҳақон тенденциясига жавоб бермайди. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда бирламчи ёқилғи сифатида асосан табиий газ ва бошқа анъанавий углеводород ёқилғи турларидан фойдаланилмоқда.

Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг (қуёш, шамол ва биогаз энергияси, кичик табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси) мавжуд юқори имкониятларидан амалда фойдаланилмаётти.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сигимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва саноатдан ўтган халқаро энерготежамкор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЖЕНЕРАЛ МОТОРС ЎЗБЕКИСТОН» АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРГА НАРХЛАР ШАКЛЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖнинг ички ва ташқи бозорларда сотилаётган маҳсулотларига нархлар шаклланиш механизминини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖнинг 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖнинг барча автомобиль моделларини ички бозорда миллий валюта — сўмга сотишга ўтиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. «Ўзавтосаноат» АЖ:

2017 йилнинг 1 июнигача тузилган шартномалар бўйича енгил автомобиллар етказиб бериш ва тўловларни қабул қилиш, шартномаларда назарда тутилган қатъий шартлар ва белгиланган муддатларда тўловларни халқаро пластик карточкалари орқали амалга оширишни;

ташқи бозорларни ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини янада диверсификациялаш, ташқи бозорлардаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ҳисобига экспорт ҳажмини кўпайтиришни;

янги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб

чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оширишни;

бутловчи қисм ва узеллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, автономбилсозликни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хомашё ва материалларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини камайтириш ва маҳсулотлар таннаркини пасайтиришни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 26 май

► Давоми 4-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017-2021 йилларда қайта тикланувчи ЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ
ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия самарадор иситиш қозонларини жорий этиш жадвали 5-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ҳўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия самарадор насослар ва электродвигателларни жорий этиш жадвали 6-иловага мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларига мазкур қарор билан маъқулланган Дастурдаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулият юклансин.

Тегшли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари ҳар бир параметр ва лойиҳа бўйича «йўл харитаси»нинг бир ой муддатда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

3. Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссиясига (Арипов А.Н.), зарур ҳолларда, ушбу қарор билан маъқулланган чора-тадбирлар Дастурининг мақсадли ва прогноз кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳўқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Кўёш энергияси халқаро институти, «Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техник маркази икки

ой муддатда қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш, шу жумладан, кўёш энергетикасини ривожлантириш, энергия самарадорлиги соҳасидаги маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, синовдан ўтган хорижий илгор технологияларни трансфер қилиш имкониятини таҳлил қилиш асосида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида қайта тикланувчи манбалар энергиясини мақсадли жорий қилиш ва кўёш энергетикасини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан биргаликда ҳар йили ёқилги-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмоли прогноз кўрсаткичларини шакллантиришда уларнинг ҳажмларини ушбу қарорнинг 4 ва 4а-иловаларига мувофиқ назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет параметрларини шакллантиришда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида, шунингдек, маҳаллий бюджетлар кўрсаткичларида Дастурга киритилган чора-тадбирларнинг бажарилиши учун зарур маблағларни асосланган ҳисоб-китобларга кўра назарда тутсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: белгиланган қувватлари тегишли равишда 0,2 МВт ва 30 МВт бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, электр энергияси ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар, шунингдек, ташкилий ҳўқуқий шаклдан қатъи назар,

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқарувчилар ягона электр энергетикаси ва электр энергияси истеъмолчиларининг тармоқларига қонунчилик талабларига мувофиқ блок-станциялар шартларида улаштириш мумкин; қайта тикланувчи энергия манбалари ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланадиган қурилмалар ягона электр энергетикаси тизими операторининг диспетчерлик графикада электр энергиясини сотиб олиш бўйича қазилма ёқилгиларидан фойдаланадиган энергия ишлаб чиқарувчи қувватларга нисбатан устуворликка эгадир;

мавжуд электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбалари усуналарини (қурилмаларини) улаш билан боғлиқ харажатлар ушбу тармоқ эгалари томонидан, ягона электр энергетикаси тизимига улаш нуқтасигача эса — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади;

ягона электр энергетика тизимига ётказиб берилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларидан («Ўзбекгидроэнерго» АЖдан ташқари) ишлаб чиқарилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар учун амалдаги тариф қийматида (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олманган ҳолда), ягона электр энергетика тизими бўйича электр энергияси бирлигини ётказиб бериш таннарига қамайтирилган қийматда, шунингдек, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергияси бирлигини тақсимлаш ва сотиш қийматига қамайтирилган ҳолда, амалга оширилади.

Бунда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олманган ҳолда ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сонли қарори 5-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз ва преференцияларнинг амал қилиш даврида амалга оширилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари «Ўзбекэнерго» АЖ ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқарувчи истеъмолчилардан электр энергия сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ҳўқуқига эгадир.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда лойиҳалар ташаббускорларига ер участкаларини ажратишда ва лойиҳа ташаббускорлари мурожаатларига асосан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи усуналарни қуриш лойиҳаларини ваколатли давлат органлари билан «ягона дарча» тамойили орқали келишида қонунчиликда белгиланган тартибда қўмақлашсин;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи усуналарни қуриш ва фойдаланишга топширишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш муддатларига ижро этилиши юзасидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ибрагимов Ф.И.)

уч ой муддатда углеводород ёқилгисини қазиб олиш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш, тақсимлаш, углеводород ёқилгисидан фойдаланиш, уни қайта ишлаш орқали энергияни саноат турларига айлантириш, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш ҳолати устидан давлат назорати тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891 фармойиши билан ташкил қилинган Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш Комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатга асосан, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурга киритилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун четдан олиб келинадиган технологик усуналар, хомашё, материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, технологик ҳўжатлар 2022 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги Дастури амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари мурожаатларига асосан халқаро молия ташкилотлари, хорижий ҳўкумат фондлари ва ташкилотларининг грантлари, кредитлари ва мақсадли маблағларининг жалб қилинишини доимий равишда таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 май

◀ Давоми. Бошланғич 3-бепда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи
энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада
энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Сўнгги йилларда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳасида энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мўқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 1 мартдаги Фармони ва «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги 2015 йил 5 майдаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан:

энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги таркибига республика комиссиясининг ишчи органи сифатида энергия самарадорлигини ошириш бўлими ташкил этилди;

Тошкент шаҳрида Кўёш энергияси халқаро институти фаолият кўрсата бошлади;

Осиё тараққиёт банки кўмағида Ўзбекистонда кўёш энергетикасини ривожлантиришнинг «йўл харитаси» ишлаб чиқилди;

Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги кўмағида 2014 йилнинг декабрь ойида қуввати 130 кВт бўлган кўёш фотоэлектрик станцияси қурилди ва ишга туширилди, ушбу станция ягона электр энергетикаси тармоғига уланган ва йилга 234,3 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга;

Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида йирик кўёш фотоэлектрик станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда;

Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистон Республикасининг шамоллар Атласи ишлаб чиқилди, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган таърибавий шамол энергоқурилмасини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари яқунловчи босқичига кирди.

2016 йил яқунлари бўйича иқтисодиёт

тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энэргоресурсларни тежайш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, 1210,3 миллион кВт.соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди, бу эса тармоқларнинг 2016 йилдаги истеъмолининг мос равишда 5,1 ва 3,6 фоизини ташкил этади. Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сийимини 10,8 фоизга, 2016 йилда 7,2 фоизга ва 2017 йилнинг биринчи чорағида 12,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда мўқобил энергия манбаларидан фойдаланишни жадал ривожлантиришга тўқтинлик қилаётган бир қатор ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Республика ҳудудларида қайта тикланувчи энергия манбалари энергиясидан фойдаланиш бўйича заҳиралар тўлалигига ишга солинмаган, улар бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилиши зарур.

2030 йилга бориб 2016 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг энергия сийимини икки баробарга қисқартириш бўйича қўйилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда, корхона ва ташкилотларга энергия сарфи ҳажмини қисқартириш бўйича аниқ мақсадли параметрларни белгилаш зарурати мавжуд.

Ушбу муҳим вазифаларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сийимини янада қисқартириш, маҳсулот таннариҳини қамайтириш ва қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилган.

Иқтисодиётни энергия ресурслари билан иқтисодиётнинг ҳал этиш орқали таъминлашни назарда тутилмоқда. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилги балансини диверсификациялаш. Бунда аънанавий ёқилги турларини қайта тикланадиган энергия турларига алмаштириш ҳисобига уларнинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини қамайтириш назарда тутилмоқда. Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сийимини қисқартиришнинг

узоқ муддатли дастурини амалга ошириш, саноат фаолияти ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш орқали эришилади.

Яқин истикболда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сийимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан жадал фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш иссиқлик ва электр энергияси каби энергиянинг саноат турларини олишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу углеводородларнинг ўрнини босишга ва уларни юқори ликвидли маҳсулотлар, ҳусусан, полимерлар, ёқилгининг синтетик турларини ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради.

Ҳусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Кўёш энергияси халқаро институти, «Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техник маркази икки ой муддатда қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш, жумладан, кўёш энергетикасини ривожлантириш, энергия самарадорлиги соҳасидаги маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, синовдан ўтган илгор хорижий технологияларни трансфер қилиш имкониятини таҳлил қилиш асосида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини мақсадли жорий қилиш ва кўёш энергетикасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқариш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиши белгиланган.

Бундан ташқари, қарорда қуйидагилар тасдиқланган:

қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 2025 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибиде қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга ётказиш кўзда тутилмоқда, жумладан, гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга, кўёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол

энергетикаси бўйича 1,6 фоизга;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати, бунда 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда;

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, унда норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 28 та чора-тадбир кўзда тутилган;

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сарф ҳажмини қисқартиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 25 та йирик ташкилот ва корхона бўйича саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда энергия сарфининг солиштирма нормаларини қисқартиришнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган;

2017-2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор иситиш қозонларини жорий қилиш жадвали, бунда Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хўна таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотининг 17251 та иситиш қозонини алмаштириш кўзда тутилган;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ҳўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор насослар ва электродвигателларни жорий қилиш графиги, бунда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ҳўжалиги ташкилотларида 879 та насос ва 1523 та электродвигателни алмаштириш кўзда тутилган.

Ушбу ишларни молиялаштириш учун 2017-2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Ушбу қарор доирасида қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни таъминлаш имконини беради:

қонунчилик ва норматив базани такомиллаштириш, шунингдек, энергия тежайдиган

технологияларни, замонавий ҳисоблаш усуналарини жорий қилишга ва ёқилги-энергетика ресурсларидан янада оқилна фойдаланишга аҳолини ва ҳўжалик юритувчи субъектларни кенг жалб қилиш;

2025 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари таркибиде қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга ётказиш;

ишлаб чиқаришнинг энергия сийимини кескин қисқартириш (9 792,0 тонна шартли ёқилги ёки йилга 8-10 фоиздан кам бўлмаган микдорда);

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хўна таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотиде 17251 та иситиш қозонини замонавий энергияни тежайдиганларига алмаштириш ва 56,5 миллион куб метрдан ортиқ табиий газни тежайш;

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ҳўжалиги ташкилотларида 1523 та энергияни кўп истеъмол қилувчи электродвигателни ва 879 та насосни алмаштириш ва 807,3 миллион кВт.соатдан ортиқроқ электр энергиясини тежай қилиш;

энергияни тежайдиган технологияларнинг кириб келишини кенгайтириш, солиқ ва божхона имтиёзлари бериш ҳисобига қайта тикланувчи манбалардан энергия ҳўсил қилувчи усуналарни қўлаган ҳолда энергиядан фойдаланишни рағбатлантириш;

қайта тикланмайдиган углеводород ресурсларидан оқилна фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини ёқилги-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаб бориш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор технологияларни трансфер қилиш, ушбу соҳадаги усуналар ва бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш;

аҳоли учун қафолатланган энергия ресурсларининг очилқини таъминлаш, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Қашқадарё вилоят кенгаши «Харакатлар стратегияси: иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Маълумки, Харакатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид вазифалар белгиланган.

ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланишининг ҳудудлар тарққиётига ижобий таъсири ҳақида сўз юритишди.

— Иқтисодий йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлашга қаратилган, — дейди **Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича минтакавий вакили Муродулла Нормуродов**. — Бугунги кунда асосий эътибор тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга қаратилмоқда. Бу чет эл корхоналари юртимизда ўз технологияси, замонавий иш усули, экспорт бозорлари, янги иш ўринлари билан кириб келиши билан аҳамиятлидир. Харакатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари билан ҳамкорликда ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш бўйича тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишимиз, бу жараёнда ҳар биримиз фаол қатнашишимиз талаб этилади.

Музаффар ТУРОПОВ,
ЎзХДП фаоли.

«БАРМОҚЛАРДА ОЛАМ ТАФТИ»

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан шу номли махсус кўргазма ташкил қилинди



Чорраҳадан ўтаётган йигитга одамлар ёрдам беришга уринишар, у эса рад этарди. Кўпчилик қатори мен ҳам хайрон бўлдим. Кейинроқ шу йигитни Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги тадбирда учратдим.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори ва музей ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Бармоқларда олам тафти», дея номлангани бежиз эмас. Барчамизга маълумки, кўзи ожиз инсонлар дунёни бармоқлари орқали кўради ва ҳис этади. Бу кўргазма орқали уларга илк бор музей экспонатларини кўриш имконияти берилди. Улар ҳар бир ашёнинг таърифини эшитиб, янада аниқ тасаввурга эга бўлишди.

— Бахтсиз ҳодиса сабабли ўн икки ёшимда кўзим кўрмай қолди, — дейди биз чорраҳада учратган йигит **Исломжон Жўраев**. — Аввалига қийналдим. Яқинларимнинг кўллаб-қувватлаши натижасида яна ҳаётга қайтдим. Олга юришга аҳд қилиб, ота-онамининг кўнгли ўксмаслиги учун ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилдим.

Яшнобод тумани 20-махсус мактаб-интернатда ўқиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқишга кирдим. Ҳозир тўртинчи босқич талабасиман. Кўплаб маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларим чоп этилди. «Тарихий тафаккурни ривожлантириш орқали ёшларда миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш» лойиҳасини тақдим этиб, «Камолот» стипендиясини олдим. «Биз

— буюк юрт фарзандларимиз» фестивали доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн иккита вилоятда бўлиб, лойиҳамнинг кенг ёйилгани, куртак ёзганини кўриб хурсанд бўлдим. Дўстлар орттирдим. Ўзимга ишончим янада ортди. Ёлғиз эмаслигим, бошқалардан кам эмаслигимни ҳис этдим. Келажақдаги режаларим ҳақида гапирадиган бўлсам, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман.



Юртимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу — шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Бир соғлом инсоннинг қўлидан келадиган ишларни бажара оламан. Мустақил ҳаракатланаман. Йўллардан бировнинг ёрдамисиз ўтаман. Кўпчилик ёрдамга шошилади. Ёрдами-ни рад этганимда хайратланишди. Ўйлайманки, жисмоний камчилик

ютуқларга эришишимизда тўсиқ бўла олмайди.

Музей директори, тарихчи олим Жаннат Исмоиловани ташриф буюрганларга Ўзбекистон ҳудудини акс эттирувчи рельефли харитани таништираётган вақтда учратдик.

— Кўзи ожиз инсонлар учун махсус кўргазма ташкил этишни анчадан бери ният қилгандик, — дейди у. — Аммо улар бунини қандай қабул қилар экан, деб ўйлардик. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу ғоя амалга ошишига катта ёрдам берди, кўллаб-қувватлади. Музейимизга кутганимиздан ҳам кўпроқ инсонлар келганини кўриб хурсанд бўлдик, янада рухландик.

— Бугунги ислохотлар мазмун-моҳияти билан инсонни улуғлашга, унинг шаъни, кадр-қимматини оширишга ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан қимматлидир, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова**. — Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига меҳр-мурувват кўрсатиш, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан бемалол фойдаланиши учун шароитларни яхшилаш масалалари кўзда тутилган. Бу борада муайян амалий ишлар қилинган. Бугунги тадбир ҳам электоратимиз вакилларига бироз бўлса-да қайфият улашиш, уларни тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди. Ўйлаймизки, кўргазма уларга манзур бўлди.

Кўргазмада Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишларидан, Геология музейи тақдим этган материаллардан фойдаланилди. Кўзи ожизлар жамияти билан ҳамкорликда мана шундай кўргазмаларни республика миқёсда ўтказишга келишиб олдик.

— Махсус кўргазма ташкил этилишини эшитиб, биринчилардан бўлиб келдим, — дейди **Кўзи ожизлар жамияти аъзоси Улугбек Содиков**. — Келиб, музейдаги тарихий буюмларни ушлаб кўриб, таърифини эшитдик. Жуда хурсанд бўлдик. Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ янги маълумотларни билиб олдик. Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишлари, айниқса, Ҳайитмирза Ёқубжоновнинг «Куй» деб номланган ҳайкали жуда ёқди. Бундай тадбирлар кўпайишини истардим.

Тадбир якунида кўргазма иштирокчиларига аудиодисклар ва эсдалик совгалари топширилди.

Махлиё АЛИКУЛОВА

ЎзХДП ҳаётидан

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Худудий партия кенгашлари одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказмоқда.

Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгашлари ҳамкорлигида Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган тадбирда «Истиқболли авлод» Тошкент шаҳар ижтимоий-ахборот маркази ходими **Шоҳида Қосимова** марказ фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

— Одам савдоси қурбонлари орасида олий маълумотли кишилар, аёллар, вояга етмаганларнинг борлиги ачинарли ҳол, — дейди у. — Фаолиятимиз давомида турли вазиятларга дуч келамиз. Одам савдоси қурбонига айланганлар ён-атрофдагиларнинг салбий муносабати оқибатида яшаш манзилини ўзгартариши, ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бизнинг марказимиз бу огир жиноятдан жабрланганларни Ватанга қайтариш билангина чекланиб қолмайди, балки уларнинг тиббий, руҳий ҳолатлари тикланишига кўмак беради. Мурожаат қилувчи ҳақидаги барча маълумотлар сир тутилади. Бизнинг асосий вазифамиз жабрланувчиларга тўғри ёрдам кўрсатишдан иборат.



Савкат ШОТЎЛЛАЕВ ОЛГАН СУРАТ.

ЎзХДП Олмазор туман кенгаши томонидан шу масалага бағишлаб Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида тадбир ўтказилди. Унда ёшларни ёт ғоялардан асрашда тарғибот ишларининг ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди. Мутахассислар ҳаётий мисоллар келтирган ҳолда, ўқувчи-ёшларга одам савдосининг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш берди.

— Таълим муассасаларида, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, энг муҳими, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришиш лозим, — дейди **Олмазор туман ИИБ жиноят қидирув ва уюшмаган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ходими Улугбек Файзиев**. — Битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам-мамизнинг эътиборимизда бўлиши керак.

Тадбир якунида одам савдосидан жабрланган инсонлар ҳаёти акс этган видеоролик намойиш этилди.

Махлиё РУСТАМОВА

Сайловолди дастури ижроси

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИГА

фақат маслаҳат эмас, балки амалий кўмак бериш зарур

Партиямизнинг Сайловолди дастури ижроси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш даражасини ошириш учун ҳаётда татбиқ қилинётган янги лойиҳаларда кўринади. Маълумки, юртимизда томорқаларда иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш орқали оилалар даромадларини оширишга кенг имконият яратилмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Хоразм вилоят кенгаши Гурлан туманида ўтказган амалий тадбирда шу масалалар атрофида фикр алмашилди.

Дастлаб Гурлан ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида битирувчилар ҳамда ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги қорхона-ташкilotлар, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, тижорат банклари 300 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Иш ўринлари тақдими ёшлар учун янги имконият эшикларини очиб бергани билан аҳамиятли. Ярмарка давомида ёшлар билан иш берувчи ташкilotлар ўртасида шартномалар имзоланди, амалий маслаҳатлар берилди. Якунда 30 нафарга яқин йигит-қиз ишга жойлашадиган бўлди.

Партиямиз масъул ходимлари, вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари шу кунини тижорат банклари вакиллари иштирокида «Хи-зи-р эли» қишлоғидаги ўз ишини йўлга қўйган оилалар хонадонларига бориб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди.

Дарвоқе, бир сотих майдонда иссиқхона барпо этган хонадон бирламчи зарур сабзавотлар билан муттасил таъминланади. Шу билан бирга, етиштирган маҳсулотнинг бир қисmini бозорга чиқаради. Хонадонларга ташрифлар давомида бу борадаги фикр-мулоҳазалар эшитилди. Тижорат банклари томонидан ўз ишини бошлаш иштиёқида бўлганларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Гурлан ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Партиянинг Сайловолди дастури ижроси: амалий ишлар ва мавжуд муаммолар» мавзусида амалий семинар ҳам ташкил этилди.

Семинарда минтақанинг аниқ инвестицион дастурларини шакллантириш, ўз лойиҳаларига эга бўлганларга амалий кўмаклашиш борасида режалаштирилган ишлар бўйича маълумотлар берилди.

Боймурод ЮСУПОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

— Ушбу семинардан кўзланган мақсад — аҳоли, электоратимиз вакиллари йўналиштига мансуб масалаларни таҳлил этиш, уларнинг ҳал этилишига амалий кўмак



бериш тўғрисида фикрлашишдир. Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ва ҳамкор ташкilotлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш зарур. Тадбирлар давомида аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Амалий ишларимиз эса кам таъминланган аҳоли қатламининг реал даромадлари ўсишига хизмат қилади.

Раимберган СОБУРОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

— Семинар давомида ўртага ташланган таклиф ва тавсиялар

асосида ҳамкор ташкilotлар вакиллари билан бирга чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ўз биз-несини бошлаш ниятида бўлган электорат вакилларига тижорат банклари томонидан сертификатлар топширилди. Аммо вазифамиз фақат шундан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бундан кейин лойиҳалар қай даражада рўёбга чиқаётганини ўрганишимиз лозим. Бу масалада депутатлардан алоҳида фаоллик талаб этилади. Партиямиздан сайланган ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги аҳолининг реал даромадлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши долзарб масаладир. Айтайлик,

бир депутат маълум ҳудуддаги ээлик-олтмиш хонадонда амалга оширилаётган лойиҳаларни мунтазам назорат қилиш имконига эга. Шунини йўлга қўйсақ, бу амалий ишимиз бўлади, партиямиз Сайловолди дастури ижросини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Шу кунини кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ҳам ташкил қилинди. Электорат вакиллари ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича депутатлар, мутахассислар ва партия фаолларига мурожаат қилишди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Нурлан КИШАНОВ

Партиямиздан сайланган ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги аҳолининг реал даромадлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши долзарб масаладир.



Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнир якунланди.

Алпомишлар юртида беш қитъа алплари беллашди

Ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган бу турнир жорий йилда ҳар қачонгидан тантанали равишда ўтказилди. Греция, Таиланд, Ироқ, Корея, Хиндистон, Бразилия, Боливия, Конго, Камерун, Тайван каби 50 га яқин давлатдан келган 150 нафарга яқин полвон, ҳакам ва меҳмонлар Жайхун соҳилида жам бўлишди.

— Термизга биринчи марта келишим, — дейди Доминикан Республикасидан келган полвон Исраел Агустин Карабалло Пуелло. — Меҳмондўст халқингиз бизни кўтаринки руҳда кутиб олди. Мусобақага пухта тайёргарлик кўрилганини ҳар қадамда кўрдик, ҳис этдик. Курашнинг келажаги ёрқинлигига ишонаман.

— Бугун кураш нафақат эркалар, балки аёлларнинг ҳам сеvimли спорт турларидан бирига айланмоқда, — деди грециялик полвон Эдин Дурахович. — Кучли полвонлар иштирок этаётгани учун турнирга яхши тайёрландим. Термиз гиламларидаги беллашулар ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлади. Барча ташкилотчилардан миннатдорман.

— Кураш жаҳондаги оммавий спорт турлари сафига кириб бормоқда, — дейди кураш халқаро ассоциацияси президенти Ҳайдар Фарман. — Буни қатор нуфузли мусобақа ва жаҳон чемпионатларининг юқори савияда ташкил этилганидан ҳам кўриш мумкин. Турнир олдида Тошкентда кураш халқаро ассоциациясининг навбатдан ташқари конгресси ташкил қилинди. Қитъавий конфедерациялар президентлари



ва 46 давлат федерациялари иштирокида ўтган йилги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш масаласи муҳокама қилинди. Келажақда албатта бунга эришамиз, деб ўйлайман.

— Ҳаётимни курашсиз тасаввур қилолмайман, — дейди мусобақа бош ҳаками Ким Эр Жунг. — Ўтган йиллар давомида ўзбекларнинг миллий қадрияти акс этган спорт тури ҳақида талай қўлланмалар яратдим. Бу эса 20 дан ортиқ халқаро мусобақаларда менга қўл келди.

Дарҳақиқат, ўн минг томошабинга мўлжалланган «Алпомиш» стадиони кураш ихлосмандлари билан тўлиб-тошган. Ишқибозларнинг юзида ҳаяжон, қувонч.

Сурхондарё вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов халқаро турнирни кириш сўзи билан очиб, қатнашчи ва томошабинларни қизгин муборакбод этди. Президентимиз раҳнамолигида кураш қитъалар оша тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади ва аънавий турнирни очиб деб эълон қилди. Ватанимиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси раиси Рустам Курбонов, кураш халқаро ассоциацияси президенти Ҳайдар Фарман ушбу кураш байрами билан барчани табриклаб, иштирокчиларга омад тилади.

Ўн учинчи бор ўтказилаётган турнирнинг ҳар бир вазн тоифасида беллашулар мурасасиз ўтди. 73 килограмм вазнда барча рақиблари устидан соф галабага эришган ҳамюртимиз Ҳикматулла Тўраев ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам ўзбекистонлик Давлат Абраев, Шербек Облоқуллов ва Сухроб Худойбердиевларга насиб этди.

— Юртингиздаги тинчликка барчаннинг ҳаваси келмоқда, — дейди афғонистонлик полвон Муҳаммад Юсуф. — Ҳамма шод, барча хурсанд. Жойларда тўй ва тантаналар бўляпти. Халқаро турнир менда бир олам таассурот қолдирди.

Полвонларнинг ҳар бир беллашуви муҳлислар томонидан олашқаб турилди. Айниқса, 90 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар беллашулари кескин ўтди. Финалда мамлакатимиз вакиллари Яхё Имомов ва Шухрат Арслоновлар рўбарў келди. Унда Яхё Имомов кичик устунлик билан ғолиб деб топилди. Ҳамюртларимиз Дилшод Чориев ва Камол Расуловлар эса шохсупанинг 3-ўрнидан жой олишди.

Мутлақ вазн тоифасидаги беллашулар янада кизгин кечди. Ғолиблик учун Ўзбекистон, Россия Федерацияси, ва Қозғистон Республикаси полвонлари кураш олиб борди. Учинчи ўрин Бахтиёр Меликулов ва Бекмурод Олтибоевларга насиб этди.

Мусобақанинг финалида Ўзбекистонлик Абдулла Холиёров россиялик Артём Осипенко билан рўбарў келди. Қизгин кечган бахсда Абдулла Холиёров устун келди ва Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирнинг мутлақ ғолиби, деб топилди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар, махсус сертификатлар топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ДУНЁ БИЛАН ҲАМНАФАС, АҲИЛ ВА ТУТУВ ЯШАШ — ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ён-атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Зеро, мазкур соҳадаги муносабатларни такомиллаштиришдан мақсад, аввало, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва эллатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик ва инсонликни кучайтириш орқали мавжуд демократик конституциявий тузумни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришга, дўстона муносабатларни ривожлантиришга ҳамда дунё нигоҳида юртимизнинг ҳозирбаҳорлигини оширишга қаратилгандир.

Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида Президентимиз томонидан қабул қилинган «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат сифатида эътироф этиш керак.

Фармонда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мамлакатимиз тараққиётига, мақсадларига ҳамоҳанг тарзда чуқур таҳлил этилиб, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини янада ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлиқни, фуқаролар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлаш, барча фуқарога миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Фармонда Ўзбекистонда Республика байналмилал маданият маркази, 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан

дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолият юритаётган бўлиб, улар юртимиздаги барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий аънавлари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан иш олиб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Бу фаол «халқ дипломатияси» асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида бизда жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг ташкил этилиши фуқароларимиз оғида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятла-

Кўп вақтдан бери Ўзбекистон ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари бир оила бўлиб яшаб келади.

Юртимизда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар оғида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлиқни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этаётган эди. Ушбу фармоннинг қабул қилиниши ва унинг асосида янги кўмитанинг ташкил этилиши билан юқоридаги каби масалаларга ҳуқуқий ечим топилди.

Фармонга кўра, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш вазифаларини алоҳида белгиланган. Ҳусусан, кўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрна-

хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган. Шу мақсадда ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари ва аънавлари, шу заминда туғилиб ўсган буюк олим ва мутафаккирлар мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг намойиш этиш бўйича тадбирлар ўтказилади.

Кўмита ўзбек халқининг мамлакатимиз ташқарисидаги тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва таъминлаш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Фармонга мувофиқ, ҳудудларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фармон қондаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қўлай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташаббуслари ва инициативаларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, «халқ дипломатияси» воситасида чет элдаги ватандошлар билан муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ойбек ТУРҲУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири,
юридик фанлар номзоди.



Жиззахда «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинлари якунига етди. Унда спортнинг 17 тури бўйича 900 нафарга яқин иштирокчи 193 олтин, 193 кумуш ва 214 бронза медали учун баҳс олиб борди.

ХАЙР ЖИЗЗАХ, ҚАШҚАДАРЁДА УЧРАШГУНЧА!

Бадий гимнастика бўйича ўтказилган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Самарқанд, иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилояти жамоалари эгаллади.

Сузиш баҳсларида биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин Қашқадарё вилояти спортчиларига насиб этди.



Бокс бўйича мусобақаларда Тошкент шаҳри жамоаси ғолиб бўлди. Андижон вилояти боксчилари иккинчи, Бухоро вилояти жамоаси учинчи поғонадан жой олди.

Таэквандонинг WTF тури баҳсларида умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти вакиллари биринчи, сурхондарёликлар иккинчи, Фарғона вилояти жамоаси учинчи ўринни банд этди.

Тошкент шаҳри спортчилари умумжамоа ҳисобида 248 очко тўплаб, мусобақа ғолиблигини қўлга киритди. Пойтахтлик спортчиларга бош мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асли нусхаси ва Президент совғаси — «Damas» автомобили топширилди.

«Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларида 188 очко тўплаган Андижон вилояти жамоаси иккинчи, 180 очко тўплаган Самарқанд вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллаб, диплом, махсус кубок ҳамда Президент совғаси — «Damas» автомобилларига эга бўлишди.

Шунингдек, мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган бир гуруҳ спортчилар махсус совринларга сазовор бўлишди.

«Баркамол авлод — 2017» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими «Сўғдиёна» университет спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

Унда «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Байроқ Қашқадарё вилояти вакилларига топширилди.

«Баркамол авлод — 2017» ўйинларининг ёпилиш маросимида спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерт дастури билан якунланди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.